

Хавфи бўлмаган ҳар бир қалб хароба қалбдир



11:03 / 12.09.2019 3255

Ибн Ражаб Абдуллоҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади:

«Аллоҳ таолонинг ҳузурида туришдан хавф қилган ва фарзларни адо этган мўминларга жаннат ваъда қилинди».

Зуннун Мисрий айтади:

«Модомики одамларда хавф бор экан, улар йўлдан адашмайдилар. Қачонки улардан хавф кетса, албатта йўлдан адашадилар».

فَاخَّاهُ لَلْفَاخِ نَمَّ: لَقَدْ زَيَّنَّا لِدُّبِّعَنْ بَرْمُوعَنْ نَامِي لِبَعْشِ فَيَقْوَيْ بَلَّجَ خَأْ
عَيْ شَلُّكَ نَمَفَاخَ هَلَلَفَاخِي مَلِّ مَوَّيَّ شَلُّكَ هُنْمُ هَلَلِ

Имом Байхақий «Шуъабул иймон»да Умар ибн Абдулазиздан ривоят қилади:

«Ким Аллоҳдан хавф қилса, Аллоҳ барчани ундан қўрқадиган қилиб қўяди. Ким Аллоҳдан хавф қилмаса, ҳамма нарсадан қўрқадиган бўлади».

Имом Байхақий Фузайл ибн Иёздан ривоят қилади:

«Агар Аллоҳдан хавфда бўлсанг, ҳеч ким сенга зарар етказа олмайди. Агар Аллоҳдан бошқадан хавфда бўлсанг, ҳеч ким сенга фойда етказа олмайди».

Ибн Ражаб Абу Сулаймон Доронийдан ривоят қилади:

«Дунё ва охирадаги барча яхшилиқнинг асли Аллоҳ азза ва жалланинг хавфидир. Хавфи бўлмаган ҳар бир қалб хароба қалбдир».

Иброҳим ибн Суфён айтади:

«Агар хавф қалбда жойлашса, ундаги шаҳват масканларини куйдиради ва ундан дунёни ҳайдаб чиқаради».

Буюк саҳобий Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Аллоҳ таолонинг азобидан юқори даражада хавф қилиб турадиган инсон эдилар. У киши ўзларининг фазллари ва қилган амалларига ҳеч қачон суяниб қолмас эдилар. Доимо Аллоҳ таолонинг раҳм қилишини тилаб турар эдилар.

نَوَلِّحْ اَدْمُكُنْ اِسْاَلْ اِلَهِ اَيُّ اَمْسَلْ اِنْمَدَانْ مَدَانْ وَّلْ اَلْاَقُوْةَ عُلْ اِلْاِيْضَرَّرَمْعُوْةَ نَ
سْاَلْ اِلَهِ اَدْمُكُنْ اِسْاَلْ اِلَهِ اَيُّ اَمْسَلْ اِنْمَدَانْ مَدَانْ وَّلْ اَلْاَقُوْةَ عُلْ اِلْاِيْضَرَّرَمْعُوْةَ نَ
نَوَلِّحْ اَدْمُكُنْ اِسْاَلْ اِلَهِ اَيُّ اَمْسَلْ اِنْمَدَانْ مَدَانْ وَّلْ اَلْاَقُوْةَ عُلْ اِلْاِيْضَرَّرَمْعُوْةَ نَ

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Агар бир нидо қилувчи осмондан нидо қилиб:

«Эй одамлар! Албатта, бир кишидан бошқа барчангиз жаннатга кировчиларсиз!» деса, мен ўша одам эмасмиканман, деб қўрқаман.

Агар бир нидо қилувчи нидо қилиб:

«Эй одамлар! Албатта, бир кишидан бошқа барчангиз дўзахга кировчиларсиз!» деса, мен ўша одам бўлсам, деб умид қиламан».

﴿٨﴾ دَافِعٌ مِنَ اللَّهِ. مَا ﴿٧﴾ لَوْفَعٌ رَبِّكَ عَذَابَ إِنَّ

«Албатта, Роббингнинг азоби рўй беражак. Уни қайтарувчи йўқдир» га етганда, ҳазрати Умар: «Каъбанинг Робби ила қасамки, бу ҳақ қасамдир», дебдилар ва эшакларидан тушиб, деворга суяниб қолибдилар. Бир муддат шу ҳолатда туриб, сўнг уйларига қайтибдилар.

Шундан кейин у киши бир ой касал бўлиб ётган эканлар. Йўқлаб келганлар у кишининг нима билан оғриётганларини билмас эканлар. Қуръон пок ва таъсирчан қалбларга ана шундай таъсир кўрсатган.

Муҳтарам азиз ўқувчи, бизнинг аҳволимиз қандай? Бугун биз қайси амалимизга мақтаняпмиз ёки мақтанмоқчимиз. Ҳозир айна имконият. Аллоҳдан ҳақ ила хавф қилайлик! Албатта Аллоҳ Роҳийм ва Роҳман зот.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди.